Баъзи тадкикотчилар онгида шўро даврига хос фикрлаш окавалари хали хам мавжудлигини илгарирок айтган эдик. Ўтмишдаги мухим вокеалар хамда тарихий шахслар фаолиятига оид факт ва хужжатларга юзаки ёндошиш на-тижаси бўлмиш нуксонлар бошка ўринларда хам кўринади. Факт ва хужжатлар магзини чакмай, юзаки, хато хулосалар чикариш мустамлака истибдоди авж олган даврда фаолият кўрсатишга мажбур бўлган бошка кўпгина тарихий шахсларга муносабатда хам ўз ифодасини топмокда. XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида Сатторхон, Сайдрасул домла, Шарифхўжа, Мухиддинхўжа, генерал Жўрабек сингари бир неча окил зиёлилар Зокиржон Фуркат билан биргаликда янгича маърифатпарварлик йўналишига асос солганлар ва Туркистон халкини шу йўл билан мустакилликка эриштириш учун бутун умрларини багишлаганлар. Аммо бу зиёлиларнинг аксар кисми юкори табакага мансуб бўлганлиги сабабли шўролар мафкураси хукмронлиги даврида тирнок орасидан кир кидириб, улар кўп марталаб ёмонотлик килинган, уларга «чоризмнинг содик малайлари», «хоинлар» деган бутунлай асоссиз тавки лаънат илинган эди. Масалан, Шарифхўжа кози 1892 йилги вабо кўзголонининг ташкилотчиларидан бири сифатида 80 ёшда эканига карамай, суд уни 3 йил муддатга Астрахан губерниясига сургунга жўнатиш хакида хукм чикарганлиги маълум. Шундан сўнг махкум кози ўзига белгиланган жазони енгиллатишни сўраб, ўша вактдаги Туркистон генерал-губернатори Вревскийга ариза ёзади ва ўзини гўё 24 июн вокеаларига алокаси бўлмагандек килиб кўрсатишга харакат килади. Аризада, жумладан: «24 июн куни нима вокеа рўй беришини илгаридан билган бўлсам, дархол бу хусусда хабар килган бўлардим», деган сўзлар хам битилган. Бу ўринда Шарифхўжа ёлгон ёзишга мажбур бўлган. Шуниси хам борки, халк озодлик харакатига бошчилик килганлардан бири сифатида мустамлака маъмурияти суди томонидан сургунга хукм килинган бу доно, тадбиркор, айни вактда соглиги путурдан кетган кария рост гапни айтиб, ўзининг хакикат учун курашчи эканини исботлашга харакат килгудек бўлса, этап килиниб, сургун жойига етиб олгунча йўлнинг ўзидаёк нобуд бўлиб кетиши турган гап эди. Бу эса, айни холатда, нодон, бефахм одамнинг иши бўлардики, Шарифхўжа кози ундайлардан эмасди, албатта. Шарифхўжа кози бу кўзголонда бош-кош бўлганлардан бири эканлиги суд жараёнида бир неча гувохларнинг далиллари билан исботланган. Ундан ташкари, ўша вактдаги Сирдарё вилояти харбий губернатори Гродеков генерал-губернатор Вревскийга берган маълумотномасида бу хакда рад этиб бўлмайдиган янги далилларни келтиради. Лекин шунча ишончли хужжатлар давлат хужжатгохларида мавжудлигини билмаган ёки ўзларини билмасликка солган баъзи тадкикотчилар Шарифхўжа кози аризасида ёзилиши мантикан мажбурий бўлган юкоридаги сўзларни чиппа-чин хакикат дея даъво килиб, унга магзава агдараверадилар.

Мухиддинхўжа кози билан генерал Жўрабекнинг ўгли Оллокулибек томонидан хам гоят танг вазиятда битилган икки ариза мавжуд. Мухиддинхўжа козининг Туркистон генерал-губернатори вазифасини бажарувчига аризаси 1899 йил 22 июлда битилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат хужжатгохида сакланмокда. Бу ариза битилгунга кадар Мухиддинхўжа кози хам кўпдан-кўп тазйик ва таъкибларга, турли бўхтонларга дучор килинган эди. Чунончи, 1877 йилда «Туркистон вилоятининг газети»да унинг гўё порахўрлиги учун козихонаси ва ховли-жойи мухрлаб кўйилганлиги айтилиб, бутун ўлка ахолиси ўртасида бадном килинган, бу ишлар тафтиши тугаб,

козида хеч кандай айб йўкдиги исботлангач, газета козихонадан хам, ховли-жойдан хам мухр олиб ташланганини ўз ўкувчиларига маълум килишга мажбур бўлса-да, Мухиддинхўжа козини оклайдиган бирор огиз сўз ёзмаган эди.
Республика Марказий хужжатгохида ўтган асрнинг 80— 90-йилларида бу покдомон зотнинг Тошкент шахар хокимлари Киселев, Лодиженский, Путинцев ва бошкалар томонидан кўп марта тазйик остига олингани хусусида хужжатлар сакланиб колган. 1892 йилги вабо кўзголони туфайли мустамлака маъмурияти томонидан жабрланганлар орасида Мухиддинхўжа кози хам бор эди. Ўша вактда Тошкентнинг эски шахар кисми хокими лавозимида бўлган Н. Ликошин орадан йигирма тўрт йил кейин Петроградда чоп этилган «Туркистонда ўтган ярим умр» номли китобида, бир томондан, Мухиддинхўжанинг 1892 йил вабо кўзголонига муносабати «жиноятторона» характерга эга бўлганини таъкидлагани холда, иккинчи томондан, «кози катьий эътикоди ва ўзини сайлаган халкка мустахкам садокати туфайли жабр кўрган»лиги хусусида хам сўзлашга мажбур бўлади.
Кўзголон кунининг эртасигаёк Сирдарё вилояти губернатори буйруги билан лавозимидан кувилган Мухиддинхўжа мустамлака маъмурларидан безиб, ўз бобокалони Исанхонхўжа козикалон бино килган мадрасада тинчгина мударрислик килиб юрган чогида Себзор дахасининг баобрў одамлари уни яна козилик лавозимига тиклашга бел боглайдилар. Улар генерал-губернаторлик амалдорлари ўрнатган кўплаб тўсикларни бартараф этиб, нихоят Мухиддинхўжа номзодини мукобил рўйхатга киритишга муваффак бўладилар. Чор тўралари ўзлари каттик обрўсизлантирган деб хисоблаган бу шахснинг сайловдан асло ўта олмаслигига катъий ишонган эдилар. Аммо кози сайловда овоз берганларнинг аксар кўпчилиги Мухиддинхўжа номзодини ёклашади ва у 74 овоздан 62 овоз олиб, козиликка сайланади. Сайлов натижаларидан даргазаб бўлган генерал-губернаторлик амалдорлари хар кандай шарм-хаёни йигиштириб кўйиб, Себзор дахасида ўтказилган кози сайлови натижаларини, бирор конунга хилоф иш йўклигига карамай, бекор киладилар ва ўзлари учун ўта хавфли бўлган Мухиддинхўжа номзодини киритмаган холда янгидан сайлов ўтказиш хусусида буйрук чикарадилар. Шундан сўнг собик козининг бошига яна кўплаб балолар ёгилади, хатто уни жисмоний махв этиш хавфи пайдо бўлади.

Мухиддинхўжа козининг биз фикр юритаётган аризаси ана шундай бир ўта хавфли вазиятда ёзилган. Аризанинг ёзилишига сабаб бўлган ўта хавфли вазият хакида аризачи жумладан бундай дейди: «Устимизда турган шахар хокимимиз бизни шахарга келганидин,бери манга назарлари чап бўлуб, ёмон кўруб турадур... Ўттуз тўрт йилдан бери килиб тургон хизматимнинг гўё мукофотига бу шахар хокимидин хар бир жамъиятда бехурматлик кўруб, хакоратга оид бўладургон сўзлар эшитганим важхидин кўркинч остида... ушбу ахволотларимни жанобингизда ариза килмокни лозим билдим».

Шундан кейин, табиийки, аризачи Туркистон бош хокими олдида ўзини оклаш учун турли далиллар келтиришга мажбур бўлади. Чунончи, 1865 йил ёзида Тошкент камал килиниб турган вактида отаси Хакимхўжа козикалон ва бошка шахар аъёнлари топширигига кўра Черняев кароргохига боргани, икки томонлама сулх тузилишига хисса кўшгани, кўп йиллар чор маъмуриятига хизмат кил-гани, бу хизматлари кандай мукофотлар билан такдирлангани хакида, табиийки, ошириб-тошириб, кўшиб-чатиб ёзади. Зотан, айни холатда Мухиддинхўжанинг шундан бўлак иложи йўк эди, у шундай килишга мажбур эди.

Мухиддинхўжа хакида ёзган баъзи тадкикотчилар унинг ушбу аризасини хам чиппа-чин хакикат сифатида кабул килдирмокчи бўладилар ва унда битилган баъзи гапларни дастак килиб, козини «халкни эзувчи куч»лар каторига кўшмокчи бўладилар. Аслида эса ўша давр расмий матбуотида Мухиддинхўжа вафоти муносабати билан берилган бир маколада бундай дейилган эди: «У ўзининг жўжабирдек оиласини моддий таъминланмаган, рўзгорини эса вайрон холда ташлаб кетди. Айтишларича, у ер банкидан карздор бўлиб, ягона бойлиги бўлмиш ери шу банк томонидан гаровга олинган экан, ёш ўгиллари эса хали мустакил рўзгор тебратишга кодир эмаслар».

Оллокулибекнинг аризасига келсак, у Туркистон генерал-губернатори адъютанти бўлиб ишлаган даврга тўгри келади. Генерал-губернаторининг уйида Оллокулибекни кўрган ашаддий миссионер Н. Остроумов уни отаси мархум генерал Жўрабек сингари мустамлака маъмурияти учун ўта хавфли одам деб хисоблайди шекилли, ўз уйига кайтиб келибок кундалигига куйидаги кайдни битади: «Бу бегона юрт кишисининг (Оллокулибек демокчи — Ш. Ю.) шахси ишонч ва хотиржамлик тугдирмайди. Генералларимиз уни нега якин тутишларига хайрон бўламан: бошкарув ишида ундан фойда тегиши мумкин эмас, зарар теги-ши эса жуда хам мумкин, чунки генерал-губернатор уйида кандай ишлар содир бўлаётганидан у ерлиларни вокиф килиши мумкин». Бинобарин, Н. Остроумов ўзи садокат билан хизмат килган мустамлака маъмурияти махаллий халкнинг газаб-нафратига сабаб бўладиган ишлар килаётганини яхши билган ва бу гирромликлар, хийла-найранглар генерал-губернатор адъютанти бўлмиш софдил, жасур ходим оркали унинг юртдошларига маълум бўлишидан ўлгудай кўрккан. Чамаси у ўз валийнеъматини тез орада бу хавф-хатардан вокиф этган ва хали хеч нарсадан хабари йўк Оллокулибекнинг бошида кора булутлар пайдо бўлган: генерал-губернатор шошилинч равишда ўз адъютантини вазифасидан четлаштириш тадбирларини кўрган. Табиий-ки, мустамлака маъмурияти рахнамоси Оллокулибекни лавозимидан четлатса, ундан кейин адъютантнинг бошига янгидан-янги балолар ёгилиши хам эхтимолдан узок эмасди. Ана шундай ўта калтис бир вазиятда, чамаси, Оллокули-бекнинг хизматдан бекор килиниши хакида гап кўзгалиб, унга бўлар-бўлмас важ-корсонлар кўрсатила бошлаган вазиятда адъютант ўзини химоя килиш максадида ге нерал-губернаторга махсус ариза билан мурожаат этади. Аризада у ўзигина эмас, балки отаси генерал Жўрабек Каландаркори ўгли хам, амакиси полковник Бобобек Хакимбек ўгли хам гўё чор маъмуриятига халоллик билан хизмат килиб, бир неча мукофотларга лойик кўрилганини кўшиб-чатиб ёзиб, улардан якинлашиб келаётган балою офатлар дафъи учун калкон сифатида фойдаланмокчи бўлади.
Хужжатгохда сакланаётган бу аризага дуч келган баъзи тадкикотчиларимиз унинг ёзилишига нималар сабаб бўлганмиги хусусида бош котиришни эп кўрмай, фоже бир холатда ноилож битилган аризадаги сўзларнинг юзада калкиб турган, лекин асл мохиятни очиб бермайдиган айрим «далил»ларни дастак килиб, Жўрабек ва Бобобекни хам, Оллокулибекни хам мустамлака маъмурияти ногорасига жон-жон деб ўйнаган, ўз балойи нафси йўлида халки манфаатларини оёкости килишдан хузур топган хоинлар сифатида бахолайдилар.

Шариф Юсупов. "Тарих ва адаб бўстони" китобидан